

КЎҚОН

Газета 1914 йил
3 апрелдан чиқа бошлаган

Кўқон шаҳар
ҳокимлигининг газетаси

САДОСИ

№ 24-25 (13110-13111) 2019 йил 6 июль, шанба

Газета ҳафтада бир марта чиқади

ШАҲРИМИЗГА ГАДА КАДДУМИ ТАШРИФ БУЮРДИ



10-15 сентябрь кун-
лари бўлиб ўтадиган
Халқаро хунармандчилик
фестивали арафаси-
да шаҳримизга Жаҳон
хунармандлар Кенга-
шининг Осиё-Тинч оке-
ани минтақаси бўйича
президенти Гада Кадду-
ми бошчилигидаги ну-
фузли ҳайъат аъзолар-
и ташириф буюрдилар.
Мазкур кенгаши билан
ҳамкорликда Кўқонга
жаҳон хунармандлар
шаҳри мақомини бе-
риш борасида саъй-
ҳаракатлар олиб борил-
япти.

Шаҳримизда қадимдан давом этиб келаётган, оилавий сулолалар ва устоз-шогирд анъаналари асосида авлоддан-авлодга сайқал топиб ўтиб келаётган хунармандчилик турлари кўп. Ёғоч ўймакорлиги, пичоқчилик, заргарлик, мисгарлик, кандакорлик каби 30 дан зиёд хунарлар асраб-авайланяпти. Фестиваль арафасида йўқолиб бораётган хунарларни тиклаш борасида ҳам амалий ишлар қилиняпти. Нуфузли ҳайъат ташрифи муносабати билан Кўқон мусикали драма театри фойеида шаҳримиз хунармандларининг кўргазмаси ташкил этилди. Меҳмонларга шаҳар ҳокими Маъруфжон Усмонов, Хунармандлар уюшмаси вилоят ва шаҳар бўлимлари раҳбарлари, кенг жамоатчилик вакиллари ҳамроҳлик қилдилар.

Меҳмонлар карнай-сурнай наволари остида кутиб олиниб, уларга “Ўзбегим” қандолатчи-пазандалари томонидан миллий ширинлик ва пишириқларимиз тортиқ этилди.

Гада Каддуми, Халқаро хунармандлар уюшмаси Марказий Осиё бўйича вице-президенти Айжан Беккулова, Австралия Хунармандлар кенгаши вице-президенти, доктор Кевин Мюррей, Бутунжаҳон

хунармандлар кенгашининг Ўрта Осиё бўйича вице-президенти Азиз Муртазоевлар хунармандларимиз тайёрлаган маҳсулотлар билан танишиб, улар билан суҳбатлашдилар. Суҳбатларда устозларидан хунар турларини ўрганаётган шогирдлар ва улар эриш-ётган ютуқлар, маҳсулот тайёрлашда қандай хом ашё ва иш қуролларидан фойдаланишаётгани хусусида сўз борди. Ҳар бир хунар келажаги ишончли қўлларда эканлиги кўзга ташланди.

— Ёғоч ўймакорлиги буюмларини тайёрлашда асосан ёнғоқ дарахтидан фойдаланамиз. Бу хунар менга ота касб бўлиб, 25 йилдан буён шуғулланиб келяман. Хунар ўрганиш ниятида кўплаб ёшлар келишади. Шогирд олишда уларнинг қобилиятларини кузатиб, хоҳишларига қулоқ тутаман, - дея жавоб берди Гада Каддунининг саволларига хунарманд Абдор Қосимов.

— Ёш хунармандлар бизнинг келажагимиз, - дея эътироф этган меҳмонлар устоз-шогирдлар билан суратларга тушдилар.

Меҳмонларга миллий куй-қўшиқларимиз ва рақслар ҳам манзур бўлди.

(Давоми 2-бетда) ►►

Халқаро хунармандчилик фестивалига катта та-
раддуд кўриладиган, ту-
ризм янада ривожлана-
ётган шаҳримизда савдо
муассасалари, магазин-
ларда китоблар, сувени-
рлар, хунармандчилик
маҳсулотлари, бар-
ча ҳудудларда морс,
квас каби турли
салқинлантирувчи
ичимликлар сотуви
йўлга қўйилиши кўзда
тутилмоқда.

Фестиваль ўтадиган асо-
сий майдон – Худоёрхон са-
ройи қаршиидаги Макро
магазинида китоб жавони
қўйилиб, ундан болалар ада-
биётлари, ёшларбоп панднома
руҳидаги ва хотин-қизлар учун
мўлжалланган публицистик ва
назмий асарлар, мумтоз ада-
биётимиз намояндаларининг

КИТОБЛАР ВА СУВЕНИРЛАР САВДОСИ КЕНГАЯДИ

сара китоблари савдоси йўлга
қўйилди. Шунингдек, магазин-
да миллий хунармандчилик
маҳсулотлари ва турли сувени-
рлар бурчаги ҳам ташкил
этилди.

Шаҳар ҳокими Маъруфжон Ус-
монов хунармандлар, кенг жа-
моатчилик вакилларига ихчам
турдаги хунармандчилик буюм-

лари ишлаб чиқариш ва савдо-
сини кенгайтириш, китоб рас-
таларини янада кўпайтириш
юзасидан таклифлар берди.

Шаҳримиз кўчаларида
ҳамшаҳарларимиз ва шаҳримиз
меҳмонлари учун морс ва
бошқа салқинлантирувчи
ичимлик савдоси ташкил
этилмоқда.



Матбуот ва оммавий ахборот воситалари
қуни кенг нишонланди

ЖУРНАЛИСТЛАРГА ЭЪТИБОР КЎРСАТИЛДИ



Бир касбга меҳрим бошқача,
шу касб жон-у дилим, дейиш жу-
да ҳам осон гаплар. Лекин бир
касбни пухта эгаллаш, унинг
бор масъулиятини юракдан
ўтказиб ишлаш, қалб кўрини
бағишлаш осон эмас. Кўқон
матбуоти, Кўқон журналис-
тикаси тарихида шу касбга
ҳақиқатда ҳам меҳрини бериб
ишлаган касбдошларимиз кўп.
Бугун бу жабҳада анъаналар-
ни замонавий технология-
лар билан тиллаша олади-
ган ёш журналистлар давом
этиришмоқда. Ҳукуматимиз
томонидан журналистика
“байроғи” ишониб топширил-
ган ёш ижодкорлар юртимиз-
нинг тарихи ва бугуни билан
ҳамқадам яшаб, келажаки бар-
по этишга ҳисса қўшиляпти.
Бу олижаноб ишларда ёшлар-
ни қўллаб-қувватлаб келаёт-
ган устозлар сафи кенг.

Куни кеча шаҳар ҳокими Маъ-
руфжон Усмонов ташаббуси би-
лан шаҳримиздаги матбуот ва
оммавий ахборот воситалари
ҳодимлари касб байрамлари би-
лан қутландилар. Шаҳар ҳокими
Ўзбекистон Республикаси Пре-
зидентининг ушбу касб эгалла-
рига йўллаган байрам табри-
гини ўқиб эшиттириб, қалам
аҳлини байрам билан самимий
қутлади.

Шундан сўнг узоқ йил-
лар “Кўқон садоси” газетаси
таҳририятида меҳнат қилган,
нафақага чиққач ҳам бир-
мунча йиллар фаолиятини
давом эттирган, айти пайт-
да кексалик гаштини сураёт-
ган фахрий журналистларга
шаҳар ҳокимлигининг Ташак-
курномаси ва қимматбаҳо
совғалари топширилди.
Жумладан, Ўзбекистон Жур-
налистлари ижодий уюш-
маси аъзоси Рафиқжон Ота-
жонов, ёш ижодкорлардан
доимо маслаҳатларини ая-
майдиган Баҳодир Носиров
ва Қурбоной Султонова, “Зук-
ко замондош” газетаси бош
муҳаррири Адҳам Мирсаидов-
лар тақдирландилар.

Байрам тадбирида “Кўқон са-
доси” ва “Знамя труда” газетала-
ри бирлашган таҳририяти бош
муҳаррири Мухтасар Норбоева
ва компьютер оператори Шу-
куржон Аҳмадалиев, “Мулоқот”
ва “Кўқон” телеканалларининг
бир гуруҳ ижодкорлари ҳам
шаҳар ҳокими томонидан му-
кофотландилар.

Тадбирда фахрий журналист
Қурбоной Султонова шаҳар
ҳокимига мана шундай эъти-
бор ва самимий табрик, тилак-
лар учун жамоалар номидан
миннатдорчилик билдирди.



АҲОЛИНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ – АНИҚЛИК МЕЗОНИ

Аҳолини рўйхатга олиш мамлакат аҳолисининг аниқ сони, унинг таркиби ва яшаш шароитлари тўғрисида маълумот топиш имконини беради. Президент Шавкат Мирзиёев жорий йилнинг 5 февралда “Ўзбекистон Республикасида 2022 йилда аҳолини рўйхатга олишни ўтказиш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармонни имзолади. Фармон асосида Ўзбекистонда аҳолини рўйхатга олиш концепцияси ва комплекс чора-тадбирлар дастури тасдиқланди. Мустақиллик йилларида мамлакатимизда аҳоли рўйхатга олинмаган. Охирги бор 1989 йили, деярли ўттиз йил олдин ўтказилган эди. Дунёнинг кўплаб мамлакатларида

бундай тадбирлар ҳар ўн йилда бир марта ўтказилади.

Аҳоли сони ва таркиби тўғрисидаги маълумотлар барча даражадаги бюджетларни шакллантиришда муҳим аҳамият касб этиб, мамлакат ва ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш параметрларини ишлаб чиқишда асос сифатида хизмат қилади ва доимий равишда янгилаб боришни талаб этади.

Аҳолини рўйхатга олиш натижасида ҳукумат аҳолининг зичлиги тўғрисида маълумотга эга бўлиб, аҳоли зич жойлашган ва акси бўлган ҳудудларни аниқлаш ва шунга қаратилган сиёсатни ишлаб чиқариш ва самарали бошқариш имконини беради.

Мисол учун аҳолини рўйхатдан ўтказиш натижалари ижтимоий соҳа объектларини самарали равишда жойлаштириш имконини яратади. Қаерда, қанча таълим ва соғлиқни сақлаш, уй-жой ва ижтимоий аҳамиятга эга бўлган бошқа муассасалар, йўллар қуриш кераклигини белгилашда қўл келади.

Ҳар қандай мамлакат ҳукумати давлатини ривожлантиришнинг ижтимоий-иқтисодий стратегия ва дастурларни ишлаб чиқаётганда аҳолиси сонини ва унинг таркибини, географик жойлашувини билиш ишлаб чиқиётган дастурларнинг самарадорлиги ва манзиллилигини таъминлайди. Шунингдек, бундай тадбирлар кўплаб ижтимоий, иқтисодий муаммоларни аниқлаш, ўз вақтида бартараф этиш бўйича мақсадли чора-тадбирлар ишлаб чиқиш имконини беради.

КЎКОН ШАҲРИНИНГ МАКРО-ИҚТИСОДИЙ КЎРСАТКИЧЛАРИ

Жорий йилнинг январь-май ойлари давомида шаҳар бўйича 1 102,6 млрд. сўмлик sanoat маҳсулотлари (ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 107,2 фоиз), 493,3 млрд. сўмлик халқ истеъмоли моллари (110,1 фоиз) ишлаб чиқарилди. Шунингдек, 141,5 млрд. сўмлик қурилиш ишлари (90,4 фоиз), 524,3 млрд. сўмлик хизматлар (109,6 фоиз), 731,1 млрд. сўмлик чакана савдо (102,2 фоиз) хизматлари кўрсатилди ва 47,6 млн. АҚШ долларлик маҳсулотлар экспорт ҳамда 53,3 млн. АҚШ долларлик маҳсулотлар импорт қилинган.

Д. МАМАСОДИҚОВ,
Кўкон шаҳар статистика бўлими бошлиғи.

ХАБАРНОМА!

Ҳурматли тадбиркорлик субъектлари ва ташкилотлар раҳбарлари, 1-мехнат чораклик давлат статистика ҳисоботини ўз муддатида топширишни унутманг!!!

Кўкон шаҳар статистика бўлими маъмурияти.

ЎЗ ВАҚТИДА ТУШУНТИРИШ БЕРИЛГАНИДА ЭДИ...

Муқимий шаҳарчасида яшовчи И.Қ. Туркия давлатига бориб ишлаб келиш мақсадида шаҳардаги “Ривож коиноти” МЧЖга қарашли авиакассадан 3 600 000 (уч миллион олти юз минг) сўмга бориш ва келиш чиптасини харид қилади. Режага қўра ноябрнинг 25 санасида Истанбулга учини ва декабрь ойининг охирларида Самарқандга қайтиши керак эди.

У Истанбулга боргач, ишлари бироз юришганлигини кўриб, қайтиш чиптасини вақтинчаликка музлатиб қўйиш имкониятидан фойдаланади. Орадан вақтлар ўтиб, уйига қайтиш мақсадида вақтинчаликка музлатиб қўйилган чиптани очиб беришликни сўраб уни харид қилган ташкилотига мурожаат қилади. Мазкур ташкилот томонидан ишлар негадир пайсалга солинаётганлигини билгач, унинг турмуш ўртоғи К.И. бу ҳолатдан таажжубланиб, Кўкон шаҳар ис-

учиб келиши учун фаол ҳолатга келтириб берилди.

Асроржон МАМАТҚУЛОВ,
Кўкон шаҳар ИХХҚ жамияти мутахассиси.



теъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятимизга мурожаат қилди.

Мурожаатдан сўнг мутахассисларимиз томонидан ҳолатга ойдинлик киритилганда, бундай ҳолатда фуқаро томонидан 30 евро миқдорида қўшимча ҳақ тўланиши бўйича мажбурият юзага келиши, ушбу ҳолат бўйича авиакасса ходими А.Д. томонидан тўлиқ тушунтириш берилмаганлиги маълум бўлди.

Ҳолатга аниқлик киритилгандан сўнг мурожаатчига бу ҳақда тушунтиришлар берилди. К.И. томонидан белгиланган сумманинг миллий валютадаги қиймати тўлангач, турмуш ўртоғининг авиачиптаси Истанбулдан Тошкентга

МЕҲНАТГА ЛАЁҚАТСИЗ ШАХСЛАР – ҲИМОЯДА

Мазкур моддага асосан моддий ёрдамга муҳтож бўлган вояга етмаган ёки меҳнатга лаёқатсиз шахсни моддий таъминлашдан бўйин товлаш, яъни уларни моддий жиҳатдан таъминлаш учун суднинг ҳал қилув қарорига ёки суд буйруғига биноан ундирилиши лозим бўлган маблағни жами бўлиб икки ойдан ортиқ муддат мобайнида тўламаслик ўн беш сутка муддатга маъмурий қamoққа олиш ёки энг кам иш ҳақининг йигирма баравари миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.

Биринчи марта ҳуқуқбузарлик содир этган шахс, агар у маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриш жараёнида алимент мажбуриятлари бўйича қарздорликни ихтиёрий равишда тўлаган бўлса, жа-

вобгарликдан озод этилади.

Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 475-моддаси “Ота-онани моддий таъминлашдан бўйин товлаш” деб юритилади. Мазкур моддага асосан вояга етган шахсларнинг меҳнатга лаёқатсиз ва моддий ёрдамга муҳтож бўлган ота-онани ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларни моддий таъминлашдан бўйин товлаши ҳам юқоридаги жазо чораларини қўллашга сабаб бўлади.

Демакки, ўз яқинлари олдидаги масъулиятдан қочиш қонун олдида жавоб беришга олиб келади.

Д. ШОКИРОВ,
МИБ Данғара туман бўлимининг қидирув гуруҳи катта инспектори, 3-даражали юрист.

ҚОНУНБУЗАРЛАРГА ЖАЗО ТАЙИН

Мажбурий ижро бюроси Данғара туман бўлими томонидан кенг жамоатчилик орасида ижро интизоми, мажбуриятларни бажариш бўйича аҳоли маданиятини ошириш юзасидан бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, бўлим томонидан ҳудудларда давлат ижрочилари ва бошқа масъул ходимлар иштирокида фуқароларга ижро қонунчилигининг асосий қоидалари, ижро интизомини бузганлик учун жавобгарлик ҳақида тарғибот-ташвиқот тадбирлари ўтказилляпти.

Рақамларда кўрсатадиган

бўлсак, Мажбурий ижро бюроси Данғара туман бўлими иш юригувида жами 30 000га яқин ижро ҳужжати мавжуд бўлиб, мазкур ижро ҳужжатининг 1160дан ортиғи алимент ундириш, 2170дан ортиғи турли ваколатли органлар томонидан чиқарилган маъмурий жарималар, 1120 га яқини давлат фойдасига бож ва солиқ ундириш билан боғлиқ. Таҳлиллар шундан далолат бермоқдаки, жисмоний ва юридик шахслар ўртасида суд ва бошқа органлар қарорларининг ижросига ихтиёрий риоя қилиш мадания-

ти кундан-кунга мустаҳкамланиб бормоқда.

Шунга қарамадан, 2019 йилнинг ўтган даври мобайнида Мажбурий ижро бюроси Данғара туман бўлими томонидан олиб борилган саъй-ҳаракатлар давомида ижро ҳужжатида белгиланган ишларни бажармаганлиги учун тегишли судлар томонидан 9 нафар шахсга нисбатан маъмурий, 2 нафар шахсга нисбатан жиноий жазо қўлланилган.

И. ЖЎРАЕВ,
МИБ Данғара туман бўлими давлат ижрочиси.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ҲАМШАҲАРЛАРИМИЗ ДИҚҚАТИГА!

“Фарғона геофизика экспедицияси” филиалига тегишли бўлган Фарғона вилояти Ўзбекистон тумани “Овчи” МФЙ, “Қизилбоғ” ҚФЙда жойлашган майдони 9,5 га. ёрдамчи хўжалик (бошланғич баҳоси 1 070 406 899 сўм) ва Андижон шаҳар Эски Ўш кўчаси, 15-уйдаги майдони 0,73 га бино-иншоотлар (бошланғич баҳоси 1 010 433 729 сўм) сотилади. Мулкларнинг бошланғич тўлови 15 % ва қолган қисми 60 ой (5 йил) давомида тўланиши мумкин.

Мурожаат учун манзил:

Кўкон шаҳар, Туркистон кўчаси, 3-уй.

Алоқа учун тел: (+99890) 566-77-06; (+99891) 152-87-88

АБИТУРИЕНТЛАР ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтининг Фарғона минтақавий филиалига 2019-2020 ўқув йили учун қуйидаги йўналишлар бўйича кундузги таълим шаклига абитуриентларни ўқишга таклиф қиламиз:

1. Мусиқали театр актёрлиги: давлат гранти – 3 та, шартнома – 12 та;
 2. Қўғирчоқ театр актёрлиги: давлат гранти – 2 та, шартнома – 8 та;
 3. Мусиқали театр режиссёрлиги: давлат гранти – 2 та, шартнома – 3 та;
 4. Ашула ва рақс: давлат гранти – 3 та, шартнома – 9 та;
 5. Фольклор ва этнография: давлат гранти – 2 та, шартнома – 6 та;
 6. Кутубхона-ахборот фаолияти давлат гранти – 10 та, шартнома – 30 та;
- Шунингдек, абитуриентлар қуйидаги йўналиш бўйича сиртқи таълим шаклига ҳам ҳужжат топширишлари мумкин: Кутубхона-ахборот фаолияти: шартнома – 50 та. Кундузги таълим 4 йил, сиртқи таълим 5 йилни ташкил этади.

Ҳужжатлар кундузги таълим шакли учун 15 июндан 15 июлгача (шу куни ҳам), сиртқи таълим шакли учун 1 июлдан 31 июлгача (шу куни ҳам) қабул қилинади.

Манзил: Кўкон шаҳар, Мовароуннаҳр кўчаси, 3- “А” уй. Алоқа телефони: (+99873) 543-50-12.

“РИЗҚ-БАРАКА САВДО КОМПЛЕКСИ” МЧЖ УЛУШДОРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Кўкон шаҳар “Ризқ-барака савдо комплекси” МЧЖнинг 2018 йил якуни бўйича навбатдаги умумий йиғилиши 2019 йил 31 июль куни соат 10:00 да жамият биносида ўтказилади. **Рўйхатга олиш 2019 йил 31 июль куни соат 08:30дан 09:30гача амалга оширилади.**

“QO`QON GAZSUV QURILISH STANDART” МЧЖга тегишли юмалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

“HAMKOR SUG`URTA” МЧЖга тегишли HS 012285, HS 014334, HS 027783, HS 032210, HS 032174 рақамли суғурта полислари йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Бобораҳимов Нишонбой Муроджоновичга 1994 йилда Учкўприк тумани 8-умумий ўрта таълим мактабининг 9-синфини тамомлаганлиги ҳақида берилган О`Р № 468094 рақамли шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Олимов Обиджон Одилжон ўғлига 2014 йилда Кўкон шаҳар 1-умумий ўрта таълим мактабининг 9-синфини тамомлаганлиги ҳақида берилган V № 6656586 рақамли шаҳодатнома ҳамда 2017 йилда Автотранспорт касб-хунар коллежини автомобилларни йиғиш ва синаш мутахассислиги бўйича тамомлаганлиги ҳақида берилган K № 4775759 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Ходжаев Фаррух Кахрамоновичга 1995 йилда Кўкон шаҳар 12-умумтаълим мактабининг 11-синфини тамомлаганлиги ҳақида берилган A № 045136 рақамли шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**